

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.FM.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТУЙЧИЕВА САЙЁРА ТАХИРОВНА**

**ҒОВАК МУҲИТ УЧУН ТЎҒРИ ВА ТЕСКАРИ ДИНАМИК  
МАСАЛАЛАРДА МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАШТИРИШ**

**05.01.07 – Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи  
(физика-математика фанлари)**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on physical-mathematical sciences**

**Туйчиева Сайёра Тахировна**

Говак муҳит учун тўғри ва тесқари динамик масалаларда математик моделлаштириш..... 3

**Туйчиева Сайёра Тахировна**

Математическое моделирование прямой и обратной динамической задачи для пористой среды ..... 23

**Tuychieva Sayyora Takhirovna**

Mathematical modeling of direct and reverse dynamic problem for porous media..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 46

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.FM.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТУЙЧИЕВА САЙЁРА ТАХИРОВНА**

**ҒОВАК МУҲИТ УЧУН ТЎҒРИ ВА ТЕСКАРИ ДИНАМИК**  
**МАСАЛАЛАРДА МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАШТИРИШ**

**05.01.07 – Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи**  
**(физика-математика фанлари)**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.3.PhD/FM425 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Мирзо Улғубек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (<http://ik-fizmat.nuu.uz/>) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Жабборов Насридин Мирзоодилович**  
физика-математика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Полатов Асқад Мухамеджанович**  
физика-математика фанлари доктори, профессор

**Назирова Элмира Шодмоновна**  
техника фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Қарши давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Dsc.03/30.12.2019.FM.01.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21, 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (17 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги № \_\_\_\_\_ -рақамли реестр баённомаси).

**М.М.Арипов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

**З.Р.Рахмонов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д.

**Б.Ф.Абдурахимов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси ўринбосари, ф.-м.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар, аксарият ҳолларда суюқлик билан тўйинган ғовак муҳитларда тўлқин жараёнларининг математик моделларини яратиш ва тадқиқ этиш масалаларига келтирилади. Қидирув геофизикаси амалиётида нефть қатламларини аниқлаш, нефть ва газ конларида тўлқин ҳаракати параметрларини танлаш, шунингдек, геофизик масалалар ечимини аниқловчи ғовак муҳитларда филтрлаш моделларини илмий тадқиқ қилиш математик физика, туташ муҳитлар механикаси, гидродинамика ва математик моделлаштириш каби соҳалардаги тадқиқотларнинг объектидир. Шу сабабли гиперболик типдаги масалалар билан тавсифланувчи турли хил муҳит ва тизимларда тўлқин жараёнларини ўрганиш, ғовак муҳитлар учун тўғри ва тесқари динамик масалаларини сонли ечиш учун айирмалли схемалар ҳамда алгоритмларни ишлаб чиқиш, дастурий воситалар мажмуини яратиш амалий математиканинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳонда сейсмоқидирув ва геофизика соҳаларида гиперболик типдаги тенгламалар билан тавсифланувчи ғовак муҳитларда тўлқин тарқалиш жараёнларининг адекват моделини қуриш кенг тадқиқ этилмоқда. Суюқликка тўйинган ғовак муҳитда тўлқинларнинг тарқалишини тавсифловчи нозичик математик моделларни қуриш тўлқин тарқалиш манбалари, нефть қатламларини аниқлаш, нефть ва газ конларида тўлқин ҳаракати параметрларини танлаш, сейсмик жараёнларни лойиҳалашда, нефть ва газ қазиб олишни интенсификаштиришда кенг қўлланилади. Шу сабабли суюқликка тўйинган ғовак муҳитда тўлқинларнинг тарқалишини тавсифловчи нозичик математик моделларни қуриш ва сонли ечиш мақсадли илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда фундаментал фанларнинг илмий ва амалий тадқиқига эга бўлган математик физика, механика, иқтисодиёт ва энергетика соҳаларидаги масалаларнинг сонли-аналитик ечиш усуллари ишлаб чиқиш каби долзарб йўналишларга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, математик физика тенгламалари ва дифференциал тенгламалар назариясининг амалий тадқиқига эга икки тезликли муҳит ҳаракатини ўрганиш, тесқари ва нокоррект масалаларни сонли-аналитик ечишга алоҳида эътибор қаратилди. Бунда икки тезликли муҳит механикасининг математик моделини қуриш ва сонли ечиш бўйича сезиларли натижаларга эришилди. «Функционал анализ, алгебра, дифференциал тенгламалар, математик физика, математик моделлаштириш, ҳисоблаш математикаси ва дискрет математика, эҳтимоллар назарияси ва математик статистика» каби устувор йўналишлар бўйича халқаро стандартлар даражасидаги илмий изланишлар олиб бориш ЎзР ФА В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади<sup>1</sup>. Қарор ижросини таъминлашда ғовак

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 майдаги “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4708-сон қарори.

муҳитлардаги жараёнларни математик моделлаштириш, ғовак-эластик муҳитнинг динамик тенгламалар системасини аналитик ва сонли ечиш усуллариини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПҚ-4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолиятини янада такомиллаштириш, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сон «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалиётга жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4708-сон «Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожлантиришнинг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Суюқлик билан тўйинган ғовак муҳитларда тўлқин жараёнларини ўрганишнинг янгича фаол талқини Я.И.Френкелнинг ишлари билан бошланган. 50-60 йилларда М.Био (M.Biot) қатор ишларида бир ўлчовли яқинлашишда газ билан тўйинган ғовак муҳитда товуш тўлқинларининг тарқалиш тенгламаси муаммосини ҳал қилиш моделини тақдим этган. Тўйинган ғовак муҳитда товуш тўлқинининг тарқалиш назарияси бўйича бошқа тадқиқотчилар Л.Я.Косачевский, В.Н.Николаевский ва Х.А.Рахматулинлар бўлган. П.Робертс, Д.Лопе томонидан ғовак муҳит компонентларининг энтропияси аддитивлиги, сақланиш қонунлари усули билан ноизотермик фильтрация модели қурилган. Ғовак муҳит компонентлари энтропиясининг аддитивлигини назарда тутмаган ҳолда фильтрациянинг континуал назарияси В.Н.Доровский томонидан қурилган, шунингдек, у ҳам сақланиш қонуни усулини қўллаган. Т.Кап, Turgut, А.Т.Уамомото тадқиқотларида чўкинди жинсларни ўрганишга бағишланган. А.В.Бакулин ва Л.А.Молотков ўз тажрибалари ҳамда олинган натижаларни таҳлил қилишда муҳитнинг комплекс қийматли зичликларидан фойдаланган. Л.Д.Ландау, Е.М.Лифшиц, V.N.Dorovsky, Kh.Kh.Imomnazarov, С.Де-Гроот, С.К.Годуновлар томонидан ривожлантирилган моделда тўйинган ғовак муҳитларда суюқликнинг скелетга нисбатан ҳаракати натижасида юзага келадиган ёпишқоқлик йўқотишлари частотасига боғлиқлигини ҳисобга олиш таклиф этилган. Л.Д.Акуленко ва С.В.Нестеров, Т.У.Артиков, И.Я.Эдельман, К.Вилманскийлар таклиф қилган моделлар Бионинг ҳозирги классик моделидан сезиларли фарқларга эга эди.

Х.Х.Имомназаров ва А.Э.Холмуродовларнинг тадқиқотлари ғовак-эластиклик тенгламалар системасининг тескари масалаларини назарий ўрганишга, Э.В.Горюнов, Х.Х.Имомназаров, А.С.Алексеев, Е.В.Грачев, Т.Т.Рахмоновларнинг тадқиқотлари эса тескари масалаларнинг сонли ечимларини топишга бағишланган. Гиперболик типдаги тенгламалар учун тескари масалалар назарияси бўйича жуда тўлиқ библиография В.Г.Романов, М.И.Белишев, А.С.Благовещенский, А.Н.Тихонов, В.Я.Арсенин, М.М.Лаврентьев, В.Г.Романов, С.П.Шишатский ишларида мавжуд.

Гиперболик типдаги тенгламалар учун динамик тескари масалалар ечишда, қўшимча маълумот сифатида, одатда, қоида бўйича вақтга ўхшаш сиртда тегишли тўғри масала ечимининг изи берилади. Маълумки, М.М.Лаврентев, В.Г.Романов, А.С.Благовещенский, А.С.Алексеев, А.И.Прилепко, Ю.Е.Аниконов, А.Л.Бухгейм, Ю.Л.Гапоненко, Б.С.Парийский, Д.Г.Орловский, А.Л.Иванков, А.В.Баев, Б.А.Бубнов, Х.Х.Имомназаров, Н.М.Жабборов, Д.К.Дурдиев, А.Э.Холмуродов ва бошқаларнинг тадқиқотларида гиперболик тенгламалар ҳамда системалар учун тескари динамик масалаларнинг қўйилиши шакллантирилган ва ўрганилган. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда математик физика тенгламалари ёрдамида тавсифланадиган жараёнларни математик ва сонли моделлаштириш ҳамда уларни тақрибий ечиш усуллари М.М.Арипов, Н.Равшанов, Н.М.Жабборов, Р.Д.Алоев, А.М.Полатов, И.Қ.Хўжаев, А.Хайдаров, А.Э.Холмуродов, Ш.А.Садуллаева, Э.Ш.Назирова, А.С.Матякубов, З.Р.Рахмонов ва бошқа олимлар томонидан ўрганилмоқда.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, MRU-OT-81/2017 рақамли «Икки фазали муҳитнинг термодинамик мутаносиб математик моделини ўзаро таъсирларда диссипатив яқинлашишда математик моделлаштириш» мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ғовак-эластик муҳитнинг қайтар чизиқли динамик тенгламалар системаларини симметриклаштириш, ғовак-эластик муҳитнинг тўғри ва тескари динамик масалаларини сонли-аналитик ечишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ғовак-эластик муҳитда тўлқин тарқалишининг чизиқли математик моделини қуриш;

ғовак-эластик муҳитда тўлқин тарқалишини тавсифловчи қайтар чизиқли тенгламалар системасини симметриклаштириш;

компонентлараро ишқаланиш коэффициенти туфайли энергия тарқалишини ҳисобга олган ҳолда суюқлик билан тўйинган ғовак муҳитда тўлқинлар тарқалишининг модели бўлган чизиқли динамик тенгламалар системасини ечиш;

турли жамланган кучлар учун қайтар ҳолда ғовак-эластик муҳитнинг динамик тенгламалар системасининг ечимини топиш;

ғовак-эластик муҳитнинг эркин чегара нуқталари кўчишининг қўшимча маълумотлари бўйича манбани аниқловчи тескари динамик масаласини ечиш;

ғовак-эластик муҳитда тўлқин тарқалишининг тўғри масаласини сонли ечиш усуллари ишлаб чиқиш ва дастурлар мажмуини яратиш.

**Тадқиқотнинг объекти** мураккаб реологияга эга суюқлик билан тўйинган ғовак муҳитдаги тўлқин жараёнларидан иборат.

**Тадқиқотнинг предмети** суюқлик билан тўйинган ғовак муҳитда тўлқинлар тарқалишининг тўғри ва тескари динамик масалаларини математик моделлаштириш, сонли ҳисоблаш учун самарали алгоритмлар ва дастурлар мажмуини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда математик физика ва дифференциал тенгламаларни ечишнинг сонли усуллари ҳамда сонли ечимларни куриш учун чекли айирмали схема кўринишидаги математик ва сонли моделлаштиришнинг усуллари, ҳисоблаш математикаси усуллари, интеграл тенгламалар усули ва функционал таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

суюқлик билан тўйинган ғовак-эластик муҳитларда тўлқинларнинг тарқалишини тавсифловчи хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар системасидан иборат математик модели қурилган;

суюқлик билан тўйинган ғовак-эластик муҳитларда тўлқинларнинг тарқалишини тавсифловчи қайтар чизиқли тенгламалар системасининг Фридрихс бўйича симметрик  $t$  – гиперболик кўриниши олинган;

компонентлараро ишқаланиш коэффиенти туфайли энергия тарқалишини ҳисобга олган ҳолда суюқлик билан тўйинган ғовак муҳитда тўлқинлар тарқалишининг модели бўлган чизиқли динамик тенгламалар системаси ечилган;

турли жамланган кучлар учун қайтар ҳолда ғовак-эластик муҳитнинг динамик тенгламалар системасининг ечими топилган;

ғовак-эластик муҳитнинг эркин чегара нуқталари кўчишининг қўшимча маълумотлари бўйича манбани аниқловчи тескари динамик масаласи ечилган;

ғовак-эластик муҳитда тўлқин тарқалишининг тўғри масаласини сонли ечиш усуллари ва дастурлар мажмуи ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

икки тезликли муҳит ҳаракатининг математик модели такомиллаштирилган;

ғовак-эластик муҳитнинг динамик тенгламалар системасини аналитик ва сонли ечиш усуллари такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертацияда олинган математик моделнинг корректлиги, модел тенгламаларининг гиперболиклиги ва унинг термодинамика қонуниятлари билан мутаносиблигини таъминловчи

математик мулоҳазаларнинг қатъийлиги, ечимни топишда математик асосланган усуллардан фойдаланилгани, олинган ечимларнинг бир компонентали суюқлик учун мос аниқ ечим билан мутаносиблиги ва сонли моделлаштириш натижалари маълум модели масалаларнинг ечимлари орқали таққослангани таҳлили билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти математик моделлаштириш назариясида муҳим бўлган икки тезликли муҳитлар ҳаракатининг математик модели такомиллаштирилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар турли хил табиий ва технологик жараёнларнинг кенг синфини ўрганишда, хусусан, диссипатив яқинлашишда ғовак-эластикликнинг тўғри ва тескари динамик масалаларини ечишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Суюқлик билан тўйинган ғовак-эластик муҳитларда тўлқинларнинг тарқалишини тавсифловчи математик моделидан 16-01-00729 – «Ёпишқоқ эластик муҳитларда минераллашган эритмаларни филтрлашни математик моделлаштириш» грант лойиҳасида ғовак муҳит учун тўғри ва тескари динамик масалаларни ечишда фойдаланилган (Россия Фанлар академиясининг Сибир бўлими Ҳисоблаш математикаси ва математик геофизика институтининг 2019 йил 6 ноябрдаги №15301/2-01-27-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларни қўллаш ғовак-эластик муҳитнинг тўғри ва тескари динамик масалаларини сонли ечиш имконини берган;

эластик-ғовак муҳитда қайтар яқинлашишда тўлқин тарқалишининг чизиқли математик моделидан ОТ-Атех-2018-340 – «Икки тезликли муҳит динамикасининг амалий геофизик масалаларини назарий ва сонли тадқиқ этиш» грант лойиҳасида эластик-ғовак муҳитнинг эркин чегара нуқталари кўчишининг кўшимча маълумотлари бўйича манбани аниқловчи тескари динамик масалаларини ечишда фойдаланилган (Қарши Давлат университетининг 2021 йил 1 июндаги №04/1697-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларни қўллаш ғовак-эластик муҳитнинг тўғри ва тескари динамик масалалари ечимининг ягоналиги ва турғунлигини исботлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 13 та, жумладан, 7 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича 19 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 2 таси хорижий ва 3 таси республика журналларида нашр этилган. Шунингдек, яратилган компьютер дастурий маҳсулотлар учун 1 та муаллифлик гувоҳномаси олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш қисми, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми – 116 бет.

## ДИССЕРТАЦИЯ ИШИНING АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён қилинган, тадқиқот мақсади, вазибалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончилиги асослаб берилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ғовак-эластик муҳитнинг термодинамик мутаносиб математик модели**» деб номланувчи биринчи бобда суюқлик билан тўйинган ғовак муҳитда ночизик тўлқинлар тарқалишини тавсифловчи хусусий ҳосилалар ночизик тенгламалар келтириб чиқарилган. Эластик муҳитда ночизик тўлқинларни ўрганиш учун фойдаланиладиган деформация метрик тензори учун динамик тенгламалар олинган. Суюқлик билан тўйинган муҳитларда диссипатив ва диссипатив бўлмаган яқинлашишларда ночизик тўлқинлар тарқалишини ифодаловчи дифференциал тенгламалар системаси олинган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Ғовак-эластиклик муҳит динамик масалаларининг математик моделлари**» деб номланган бўлиб, биринчи бобда олинган математик модел асосида ғовак-эластикликнинг тўғри масалаларини ўрганишга бағишланган.

Иккинчи бобнинг “**Ғовак-эластикликнинг динамик чизикли тенгламаларини тезлик, кучланиш ва босимлар бўйича ифодаланишининг симметрик шакли (қайтар ҳолда)**” деб номланувчи 2.1 параграфи динамик тенгламалар чизикли системасини тезлик, кучланиш ва босимлар бўйича қайтар яқинлашишда симметриклаштиришга бағишланган.

Энергия диссипацияси бўлмаган ҳол учун чизикли динамик тенгламаларнинг қуйидаги системаси ҳосил қилинган:

$$\begin{aligned} \frac{\partial u_i}{\partial t} + \frac{1}{\rho_s} \frac{\partial h_{ik}}{\partial x_k} + \frac{1}{\rho} \frac{\partial p}{\partial x_i} = 0, \quad \frac{\partial v_i}{\partial t} + \frac{1}{\rho} \frac{\partial p}{\partial x_i} = 0, \\ \frac{\partial p}{\partial t} - (K - \alpha \rho \rho_s) \operatorname{div} \mathbf{u} + \alpha \rho \rho_l \operatorname{div} \mathbf{v} = 0, \\ \frac{\partial h_{ik}}{\partial t} + \mu \left( \frac{\partial u_k}{\partial x_i} + \frac{\partial u_i}{\partial x_k} \right) + \left( \frac{\rho_s}{\rho} K - \frac{2}{3} \mu \right) \delta_{ik} \operatorname{div} \mathbf{u} - \frac{\rho_s}{\rho} K \delta_{ik} \operatorname{div} \mathbf{v} = 0. \end{aligned}$$

Бу тенгламалар системасида  $\mathbf{u}=(u_1, u_2, u_3)$  ва  $\mathbf{v}=(v_1, v_2, v_3)$  эластик муҳит ва тўйинган суюқлик вектор тезликлари,  $\rho_s$  ва  $\rho_l$  мос равишда парциал

зичликлар,  $\rho = \rho_s + \rho_l$  – континуумнинг зичлиги,  $h_{lm}$  – кучланиш тензори компоненти,  $p$  – ғоваклик босими,  $\delta_{lm}$  – Кронекер символи,  $K = \lambda + \frac{2}{3}\mu$ ,  $\alpha, \lambda, \mu$  – ғовак муҳитнинг эластик параметрлари.

Бир қанча алмаштиришлардан сўнг суюқлик билан тўйинган ғовак муҳитлар учун эластик тўлқин тенгламаси  $\mathbf{u}, \mathbf{v}, \sigma_{ij}$  ва  $p$  ўзгарувчилар орқали қуйидаги шаклда ёзилади:

$$\begin{aligned} \rho_s \frac{\partial u_i}{\partial t} - \frac{\partial \sigma_{ik}}{\partial x_k} &= 0, \quad \rho_l \frac{\partial v_i}{\partial t} + \frac{\rho_l}{\rho} \frac{\partial p}{\partial x_i} = 0, \\ \frac{\alpha}{\Delta} \frac{\partial \sigma_{mm}}{\partial t} + \frac{3\rho_s}{\rho} \frac{K\rho_l / \rho_s + \alpha}{\Delta} \frac{\partial p}{\partial t} + \frac{\rho_l}{\rho} \operatorname{div} \mathbf{v} &= 0, \\ \frac{1}{2\mu} \frac{\partial \sigma_{ik}}{\partial t} - \frac{\Lambda}{2\mu\Delta} \delta_{ik} \frac{\partial \sigma_{mm}}{\partial t} + \frac{\alpha}{\Delta} \delta_{ik} \frac{\partial p}{\partial t} - \frac{1}{2} \left( \frac{\partial u_k}{\partial x_i} + \frac{\partial u_i}{\partial x_k} \right) &= 0, \end{aligned} \quad (1)$$

бу тенгламалар системасида

$$\Lambda = \lambda\alpha\rho^2 - K^2, \quad \tilde{\alpha} = \alpha\rho\rho_s - K, \quad \Delta = 3K(\alpha\rho^2 - K).$$

$w = (u_1, u_2, u_3, v_1, v_2, v_3, \sigma_{12}, \sigma_{13}, \sigma_{23}, \sigma_{11}, \sigma_{22}, \sigma_{33}, p)^T$  белгилаш киритиб, (1)-тенгламалар системасини матрица кўринишида ёзиб оламиз:

$$\mathbf{A} \frac{\partial w}{\partial t} + \mathbf{B}_k \frac{\partial w}{\partial x_k} = 0.$$

Бу ерда  $\mathbf{A} = (a_{i,j})$ ,  $\mathbf{B}_k = (b_{i,j}^k)$ ,  $i, j = \overline{1,13}$ ,  $k = \overline{1,3}$  – симметрик матрицалар бўлиб, элементлари қуйидагича аниқланади:

$$a_{i,i} = \rho_s, \quad a_{i+3,i+3} = \rho_l, \quad a_{i+6,i+6} = 1/\mu, \quad a_{i+9,i+9} = \frac{\Delta - \Lambda}{2\mu\Delta}, \quad i = \overline{1,3},$$

$$a_{10,11} = a_{11,10} = a_{10,12} = a_{12,10} = a_{11,12} = a_{12,11} = -\Lambda / (2\mu\Delta),$$

$$a_{10,13} = a_{13,10} = a_{11,13} = a_{13,11} = a_{12,13} = a_{13,12} = \alpha / \Delta, \quad a_{13,13} = \frac{3\rho_s}{\rho} \frac{K\rho_l / \rho_s + \alpha}{2\mu\Delta}, \quad \text{қолган}$$

$$\begin{aligned} b_{1,13}^1 &= b_{13,1}^1 = b_{2,10}^1 = b_{10,2}^1 = b_{3,11}^1 = b_{11,3}^1 = b_{1,7}^2 = b_{7,1}^2 = b_{2,11}^2 = b_{11,2}^2 = b_{3,9}^2 = b_{9,3}^2 = b_{1,8}^3 = \\ &= b_{8,1}^3 = b_{2,9}^3 = b_{9,2}^3 = b_{3,12}^3 = b_{12,3}^3 = -1, \quad b_{4,13}^1 = b_{13,4}^1 = b_{5,13}^2 = b_{13,5}^2 = b_{6,13}^3 = b_{13,6}^3 = \rho_l / \rho, \quad \text{қолган} \\ &b_{i,j}^k = 0. \end{aligned}$$

Агар  $\mathbf{A}$ – матрица мусбат аниқланган бўлса, у ҳолда (1)- тенгламалар системаси симметрик  $t$ - гиперболик (Фридрихс маъносида) бўлади. Ҳисоблашлар  $\mathbf{A}$ – матрица мусбат аниқланган эканлигини кўрсатди, бундан (1)- система симметрик  $t$ - гиперболикдир.

Шу тариқа қуйидаги исботланди.

**Теорема.** Ғовак муҳитнинг  $\lambda, \mu, \alpha$  параметрлари мусбат бўлсин, у ҳолда (1)- тенгламалар системаси симметрик  $t$ -гиперболик бўлади.

«Ғовак муҳитда товуш тебранишларининг сусайиши ва дисперсияси» деб номланувчи 2.2. параграфда муҳитнинг ўтказувчанлигини

ҳисобга олган ҳолда тез ва секин тарқалувчи бўйлама тўлқинлар ва силжиш тўлқинларининг тарқалиш тезликларини топиш формулалари олинган.

Диссипатив ҳаракат тенгламалари товуш тўлқинларининг сусайиши масаласини, яъни кўндаланг ва бўйлама товуш тўлқинларида тебранишларнинг сусайиш табиатини энг оддий дастур сифатида кўриб чиқишга имкон беради. Ёпишқоқлик эффектини қарамасдан таркиблар орасидаги ишқаланиш таъсир кучини сингдириш  $\chi = \bar{k}$  характериға қараймиз. Товуш тебранишининг сўниши ва дисперсияси қуйидаги тенгламалар системаси орқали ифодаланади:

$$\begin{aligned} \frac{\partial u_i}{\partial t} + \frac{1}{\rho_s} \frac{\partial h_{ik}}{\partial x_k} + \frac{1}{\rho} \frac{\partial p}{\partial x_i} &= -\frac{\rho_l^2}{\rho_s} \chi(u_i - v_i), \\ \frac{\partial v_i}{\partial t} + \frac{1}{\rho} \frac{\partial p}{\partial x_i} &= \rho_l \chi(u_i - v_i), \end{aligned} \quad (2)$$

$$\begin{aligned} \frac{\partial h_{ik}}{\partial t} + \mu \left( \frac{\partial u_k}{\partial x_i} + \frac{\partial u_i}{\partial x_k} \right) + \left( \frac{\rho_s}{\rho} K - \frac{2}{3} \mu \right) \delta_{ik} \operatorname{div} \mathbf{u} - \frac{\rho_l}{\rho} K \delta_{ik} \operatorname{div} \mathbf{v} &= 0, \\ \frac{\partial p}{\partial t} - (K - \alpha \rho \rho_s) \operatorname{div} \mathbf{u} + \alpha \rho \rho_l \operatorname{div} \mathbf{v} &= 0. \end{aligned}$$

Ечимни

$$(\mathbf{u}, \mathbf{v}, h_{ik}, p) = (\mathbf{u}^0, \mathbf{v}^0, h_{ik}^0, p^0) e^{i(kx - \omega t)} \quad (3)$$

кўринишда ифодалаймиз. У ҳолда (2)-тенглама (3)-тенгламадаги экспоненциал олди коэффициентларини аниқлайди:

$$\begin{aligned} \omega u_n^0 &= \frac{k_m}{\rho_s} h_{nm}^0 + \frac{1}{\rho} k_n p^0 - i \frac{\rho_l}{\rho_s} \rho_l \chi(u_n^0 - v_n^0), \\ \omega v_n^0 &= \frac{k_n}{\rho} p^0 + i \rho_l \chi(u_n^0 - v_n^0), \end{aligned} \quad (4)$$

$$\begin{aligned} \omega h_{lm}^0 &= \mu (k_l u_m^0 + k_m u_l^0) + \left( \frac{\rho_s}{\rho} K - \frac{2}{3} \mu \right) \delta_{lm} k_v u_v^0 - \frac{\rho_s}{\rho} K \delta_{lm} k_v v_v^0, \\ \omega p^0 - (K - \alpha \rho \rho_s) k_n u_n^0 + \alpha \rho \rho_l k_n v_n^0 &= 0. \end{aligned}$$

Чизикли бир жинсли тенгламалар системаси ечимга эга бўлиш шарти (4)- система детерминантини нолга тенг бўлишини талаб қилади, бундан кўндаланг ва бўйлама тўлқинлар тезлигини аниқлаш учун қуйидаги муносабатларни оламиз:

$$i c^3 - \frac{\chi}{k} \frac{\rho_l}{\rho_s} \rho c^2 - i \frac{\mu}{\rho_s} c + \frac{\chi}{k} \frac{\rho_l}{\rho_s} \mu = 0, \quad (5)$$

$$c^4 + i \frac{\chi}{k} \frac{\rho_l}{\rho_s} \rho c^3 - 2B_* c^2 - i \frac{\chi}{k} \frac{\rho_l}{\rho_s} (\rho^3 e_{\rho\rho} - 2K + \lambda + 2\mu) c + b_* = 0. \quad (6)$$

Бу формулалардан кўндаланг ва бўйлама тўлқинлар тезликлари формулалари учун энергия диссипациясининг йўқлиги келиб чиқади.

(5), (6) тенгламалар системаси система компоненталари орасидаги ишқаланишини ҳисобга олган ҳолда кўндаланг ва бўйлама тўлқинларга мос келувчи учта илдишни аниқлайди.

$$c_i^2(\omega) = \frac{\mu}{\rho_s} \frac{1 + i \frac{\chi}{\omega} \rho_l}{1 + i\gamma}. \quad (7)$$

$$c_{l_1}^2(\omega) = \frac{1}{2(1 + \gamma^2)} (2B_* + \gamma^2 \hat{u}_0^2 + \kappa_1 + \gamma \kappa_2) + \frac{i}{2(1 + \gamma^2)} (-2\gamma B_* + \gamma \hat{u}_0^2 + \kappa_2 - \gamma \kappa_1), \quad (8)$$


$$c_{l_2}^2(\omega) = \frac{1}{2(1 + \gamma^2)} (2B_* + \gamma^2 \hat{u}_0^2 - \kappa_1 - \gamma \kappa_2) + \frac{i}{2(1 + \gamma^2)} (-2\gamma B_* + \gamma \hat{u}_0^2 - \kappa_2 + \gamma \kappa_1), \quad (9)$$

Бу ерда  $\gamma$  таърифи характерли диссипатив вақт ўлчови

$$\frac{1}{\omega_*} = \frac{\rho_s}{\chi \rho_l}$$

ни ўз ичига олади.

2.1-расмда ўтказувчанлик параметрининг турли қийматлари учун частотали функциялар сифатида биринчи (тез) бўйлама, иккинчи (секин) бўйлама ва кўндаланг тўлқинлар тезликларининг графиклари кўрсатилган.



2.1-расм. Биринчи, иккинчи бўйлама ва кўндаланг тўлқинлар тезликларининг графиклари.

Бу ерда  $V_{p_1}(\omega)$ - биринчи бўйлама тўлқин тезлиги,  $V_{p_2}(\omega)$ - иккинчи бўйлама тўлқин тезлиги,  $V_l(\omega)$ - кўндаланг тўлқин тезлиги (кўк  $\chi_1 = 10^4 \text{ см}^3 / (\text{г} \cdot \text{сек})$ , бинафшаранг  $\chi_2 = 10^5 \text{ см}^3 / (\text{г} \cdot \text{сек})$ , яшил  $\chi_3 = 10^6 \text{ см}^3 / (\text{г} \cdot \text{сек})$ ) физик параметрларнинг берилган қийматида:  $c_{l_1} = 1.7 \cdot c_l$ ,  $c_{l_1} = 0.6 \text{ км} / \text{с}$ ,  $c_{l_1} = 1.4 \text{ км} / \text{с}$ ,  $c_{l_1} = 0.6 \text{ км} / \text{с}$ ,  $\rho_l^f = 0.9 \text{ г} / \text{см}^3$ ,  $\rho_s^f = 2.7 \text{ г} / \text{см}^3$ ,  $d_0 = 10\%$ .

«Ғовак-эластикликнинг тўғри динамик масаласини турли жамланган кучлар ҳолатида ечиш формуласи» деб номланувчи яқунловчи 2.3 параграфда динамик ғовак-эластиклик тенгламалар системасининг турли жамланган кучлар учун қайтар ҳолатдаги чексиз фазодаги ечими олинган.

Говаклик йўқолганда, қурилган ечим частота соҳасидаги чизиқли эластикликнинг назарияси тенгламалари системасини ечишга ўтиши кўрсатилган.

Говак-эластикликнинг турли жамланган кучлар учун тўғри динамик масаласи моделини қарайлик.

$R^3$  фазо эластиклик – деформацияланадиган изотроп говак муҳит билан тўлдирилган.

Эластик скелетнинг тезлик вектори  $\mathbf{u}$  ва суюқлик тезлиги  $\mathbf{v}$  энергия диссипацияси бўлмаганда қуйидаги динамик тенгламаларни қаноатлантиради:

$$\partial_t^2 \mathbf{u} - c_t^2 \Delta \mathbf{u} + (c_t^2 - a_1) \nabla \nabla \cdot \mathbf{u} + a_2 \nabla \nabla \cdot \mathbf{v} = \mathbf{F}(t, \mathbf{x}) \quad (10)$$

$$\partial_t^2 \mathbf{v} + a_3 \nabla \nabla \cdot \mathbf{u} - a_4 \nabla \nabla \cdot \mathbf{v} = \mathbf{F}(t, \mathbf{x}) \quad (11)$$

бу ерда  $\mathbf{F} = (F_1, F_2, F_3)$  – массивий куч,  $\mathbf{u} = (u_1, u_2, u_3)$ ,  $\mathbf{v} = (v_1, v_2, v_3)$ ,  $\partial_t$  –  $t$  – вақт бўйича хусусий ҳосила,  $\Delta, \nabla$  ва  $\nabla \cdot$  –  $\mathbf{x} = (x_1, x_2, x_3)$  бўйича мос равишда Лаплас, градиент ва дивергенция операторлари,  $a_j$ ,  $j = 1, 2, 3, 4$  коэффициент

бир томондан учта  $\lambda, \mu, \alpha = \rho \alpha_3 + \frac{K}{\rho^2}$  эластик параметрлар билан бошқа томондан учта  $c_t, c_l, c_t$  тезлик ва унга мос  $\rho_s$  – эластик матрица,  $\rho_l$  – суюқлик парциаль зичликлари орқали ифодаланади.

Агар бирлик массага тўғри келган оғирлик кучи  $\mathbf{F}$  ни магнитудаси  $F_0$  бўлиб ( $\mathbf{x} = \mathbf{x}_0$ ), нуқтага жамланган бўлса, унинг кўриниши

$$\rho \mathbf{F} = \mathbf{e} f(t) \delta(\mathbf{x} - \mathbf{x}_0), \quad (12)$$

бу ерда  $\mathbf{e}$  –  $R^3$  даги бирлик вектор,  $\delta(\mathbf{x})$  – Дирак функцияси,  $f(t)$  – вақт бўйича зондлаш сигналининг формаси. Бу турдаги манбалар оддий ёки жамланган куч деб номлаш қабул қилинган. (12) ни (10), (11) ларга қўйиб ҳосил бўлган тенгламаларда вақт бўйича Фурье тасвирларига ўтилса, қуйидагиларни оламиз:

$$\omega^2 \hat{\mathbf{u}} - c_t^2 \nabla \times \nabla \times \hat{\mathbf{u}} + a_1 \nabla \nabla \cdot \hat{\mathbf{u}} - a_2 \nabla \nabla \cdot \hat{\mathbf{v}} = -\mathbf{e} \frac{F_0}{\rho} \hat{f}(\omega) \delta(\mathbf{x} - \mathbf{x}_0), \quad (13)$$

$$\omega^2 \hat{\mathbf{v}} - a_3 \nabla \nabla \cdot \hat{\mathbf{u}} + a_4 \nabla \nabla \cdot \hat{\mathbf{v}} = -\mathbf{e} \frac{F_0}{\rho} \hat{f}(\omega) \delta(\mathbf{x} - \mathbf{x}_0), \quad (14)$$

бу ерда  $\nabla \times$  –  $\mathbf{x}$  бўйича ротор оператори, “қопқоқ” белгиси вақт бўйича Фурье алмаштиришларини билдиради,  $\omega$  – айланма частота.

Вектор анализдан яхши маълум бўлган формулани ишлатиб, унча мураккаб бўлмаган алмаштиришлардан сўнг тезлик ва частотали соҳада қуйидагилар ҳосил бўлади:

$$\hat{\mathbf{u}} = \frac{F_0 \hat{f}(\omega)}{4\pi\omega^2 \rho} \left( \nabla \times \nabla \times \left( E \frac{e^{-ik_1 R}}{R} \right) - \nabla \nabla \cdot \left[ E \left( v_1 \frac{e^{-ik_1 R}}{R} + v_2 \frac{e^{-ik_2 R}}{R} \right) \right] \right) \mathbf{e},$$

$$\hat{\mathbf{v}} = \frac{F_0 \hat{f}(\omega)}{4\pi\omega^2 \rho} \nabla \nabla \cdot \left[ E \left( \frac{1}{R} - m_1 v_1 \frac{e^{-ik_1 R}}{k_1^2 R} - m_2 v_2 \frac{e^{-ik_2 R}}{k_2^2 R} \right) \right] \mathbf{e}.$$

Бу ерда  $E = (\delta_{i,j})_{3 \times 3}$  – бирлик матрица  $\delta_{i,j}$  – Кронекер символи.

Шундай қилиб, қуйидаги теорема ҳосил қилинди.

**Теорема.**  $R^3$  фазо эластиклик – деформацияланадиган изотроп ғовак муҳит билан тўлдирилган бўлсин, у ҳолда (10) ва (11)- динамик тенгламаларнинг ечимлари

$$\hat{\mathbf{u}} = F_0 \hat{f}(\omega) \mathbf{G}^u \mathbf{e}, \quad \hat{\mathbf{v}} = F_0 \hat{f}(\omega) \mathbf{G}^v \mathbf{e}$$

бўлади.

Шундай қилиб, частотали соҳада жамланган манба учун ғовак-эластик муҳитда тенгламалар системаси ечими олинди.

«Ғовак-эластик муҳитда тўлқин тарқалиш тўғри масаласини ҳисоблаш усуллари» номли параграфда ер қобиғида сейсмик тўлқин тарқалиш масаласини ҳал қилиш усулини ишлаб чиқиш методи келтирилган.

Тезлик, кучланиш ва босим компоненталарига нисбатан ғовак-эластикликнинг икки ўлчовли тўғри динамик масаласи қарайлик. Асосий тенгламалар сақланиш қонунларига асосланган ва термодинамика шартларига мос келади. Муҳит идеал (системада энергия сарфи кузатилмайди), изотроп, фазога нисбатан бир жинсли бўлмаган 2-ўлчовли деб қаралган.

Муҳит ғовак, суюқликка тўйинтирилган бўлсин. У ҳолда бундай муҳитда сейсмик тўлқинлар тарқалиши энергия сарфи кузатилмаганда қуйидаги бошланғич-чегаравий масала орқали ифодаланади:

$$\begin{aligned} \frac{\partial u_x}{\partial t} &= -\frac{1}{\rho_{0,s}} \cdot \frac{\partial \sigma_{xx}}{\partial x} - \frac{1}{\rho_{0,s}} \cdot \frac{\partial \sigma_{xy}}{\partial y} - \frac{1}{\rho_0} \cdot \frac{\partial p}{\partial x} + f_x, \\ \frac{\partial u_y}{\partial t} &= -\frac{1}{\rho_{0,s}} \cdot \frac{\partial \sigma_{xy}}{\partial x} - \frac{1}{\rho_{0,s}} \cdot \frac{\partial \sigma_{yy}}{\partial y} - \frac{1}{\rho_0} \cdot \frac{\partial p}{\partial y} + f_y, \\ \frac{\partial v_x}{\partial t} &= -\frac{1}{\rho_0} \cdot \frac{\partial p}{\partial x} + f_x, \quad \frac{\partial v_y}{\partial t} = -\frac{1}{\rho_0} \cdot \frac{\partial p}{\partial y} + f_y, \\ \frac{\partial \sigma_{xx}}{\partial t} &= -2\mu \frac{\partial u_x}{\partial x} - \left( \frac{\rho_{0,l}}{\rho_0} K - \frac{2}{3} \mu \right) \cdot \left( \frac{\partial u_x}{\partial x} + \frac{\partial u_y}{\partial y} \right) + \frac{\rho_{0,s}}{\rho_0} K \left( \frac{\partial v_x}{\partial x} + \frac{\partial v_y}{\partial y} \right), \\ \frac{\partial \sigma_{xy}}{\partial t} &= -\mu \left( \frac{\partial u_y}{\partial x} + \frac{\partial u_x}{\partial y} \right), \\ \frac{\partial \sigma_{yy}}{\partial t} &= -2\mu \frac{\partial u_y}{\partial y} - \left( \frac{\rho_{0,l}}{\rho_0} K - \frac{2}{3} \mu \right) \cdot \left( \frac{\partial u_x}{\partial x} + \frac{\partial u_y}{\partial y} \right) + \frac{\rho_{0,s}}{\rho_0} K \left( \frac{\partial v_x}{\partial x} + \frac{\partial v_y}{\partial y} \right), \\ \frac{\partial p}{\partial t} &= (K - \alpha \rho_0 \rho_{0,s}) \left( \frac{\partial u_x}{\partial x} + \frac{\partial u_y}{\partial y} \right) - \alpha \rho_0 \rho_{0,l} \left( \frac{\partial v_x}{\partial x} + \frac{\partial v_y}{\partial y} \right). \end{aligned} \quad (15)$$

Бошланғич шартлар

$$u_x|_{t=0} = u_y|_{t=0} = v_x|_{t=0} = v_y|_{t=0} = \sigma_{xx}|_{t=0} = \sigma_{xy}|_{t=0} = \sigma_{yy}|_{t=0} = p|_{t=0} = 0. \quad (16)$$

Чегаравий шартлар

$$\sigma_{yy} + p|_{y=0} = \sigma_{xy}|_{y=0} = \sigma_{yy}|_{y=0} = \frac{\rho_{0,l}}{\rho_0} \cdot p|_{y=0} = 0, \quad (17)$$

қаралаётган соҳанинг қаттиқ чегара шартини ифодалайди.

Бу ерда  $(u_x, u_y)$  – парциал зичлиги  $\rho_{0,s}$  бўлган эластик ғовак жисмнинг тезлик вектори,  $(v_x, v_y)$  – парциал зичлиги  $\rho_{0,l}$  бўлган суюқликнинг тезлик вектори,  $p$  – ғоваклик босими,  $\sigma_{xx}, \sigma_{xy}, \sigma_{yy}$  – кучланиш тензори компоненталари,  $\mathbf{f} = (f_x, f_y)$  – массавий кучлар вектори,  $\rho_{0,s} = \rho_{0,s}^f (1 - d)$ ,  $\rho_{0,l} = \rho_{0,l}^f d$ ,  $\rho_0 = \rho_{0,l} + \rho_{0,s}$ ,  $\rho_{0,s}^f$  – эластик ғовак жисмнинг физик босими,  $\rho_{0,l}^f$  – суюқликнинг физик босими,  $d$  – ғоваклик.

Тўғри динамик масалани сонли ечиш учун Лакс-Вендрофф усулининг вариантларидан бири бўлган Маккормакнинг предикатор-корректор усулига асосланган айирмали схемасидан фойдаланилади. Айирмали схема ёрдамида ҳисоблаш экспериментини ўтказиш учун дастурлар мажмуаси яратилган. Синов модели учун бир қатор сонли ҳисоблар тақдим этилган.

Тўлқин майдони қаралаётган соҳа марказидаги нуқтавий манбадан моделлаштирилди. Массавий кучни ифодаловчи манбадаги вақт сигнали куйидаги кўринишда

$$f(t) = \exp\left(\frac{(2\pi f_0(t-t_0))^2}{\gamma^2}\right) \cdot \sin(2\pi f_0(t-t_0))$$


берилган, бунда  $\gamma = 4$ ,  $f_0 = 1\text{Гц}$ ,  $t_0 = 1.5\text{с}$ .

Берилган тенгламалар системасининг ўнг томони

$$\begin{cases} f_x = f(t) \cdot \delta(x - x_0) \cdot \delta(y - y_0) \\ f_y = 0 \end{cases}$$

кўринишга эга бўлган ҳолни қарайлик.


2.2-расмда ғовак муҳит зарраларининг  $x$  бўйича  $t=3$  секунд вақт momentiдаги кўчиш тезлигининг турли кесимлардаги графиги тасвирларган.




2.2-расм. Ғовак муҳит зарраларининг  $t=3$  секунд вақт momentiдаги кўчиш тезлиги  $u_x$  учун ўзгариш графиги.

Натижадан шуни кўриш мумкинки,  $y = 6$  кесимда тезлик соҳадаги максимал қийматга эришади ва тўлқин профили бирданига кескин ўсади.


2.3-расмда ғовак муҳит зарраларининг  $x$  бўйича  $t=4,5$  секунд вақт momentiдаги кўчиш тезлигининг турли кесимлардаги графиги тасвирларган. Натижадан шуни кўриш мумкинки, вақт ўтиши билан ғовак муҳит зарраларининг кўчиш тезлиги ортади ва  $y = 6$  кесимда тезлик соҳадаги максимал қийматга эришади.



2.3-расм. Ғовак муҳит зарраларининг  $t=4,5$  секунд вақт momentiдаги кўчиш тезлиги  $u_x$  учун ўзгариш графиги.



2.4-расм. Ғовак муҳит зарраларининг  $t=3$  секунд вақт momentiдаги кўчиш тезлиги  $u_y$  учун ўзгариш графиги.



2.5-расм. Ғовак муҳит зарраларининг  $t=4,5$  секунд вақт momentiдаги кўчиш тезлиги  $u_y$  учун ўзгариш графиги.

2.4 ва 2.5-расмларда ғовак муҳит зарраларининг  $u$  бўйича  $t=3$  ва  $t=4,5$  секунд вақт моментларидаги кўчиш тезликларининг турли кесимлардаги графиклари тасвирларган.

Графиклар вақт ўтиши билан ғовак муҳит зарралари бетартиб ҳаракат қилишини кўрсатади.

Шунингдек, тезлик, кучланиш ва босимлар учун турли вақт моментларидаги сонли ва график ечимлар олинган.

